

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/383920134>

"Yo'l oldim o'zimdan seni axtarib" (Abdunabi Boyqo'ziyev ijodi haqida mulohazalar)

Article · September 2024

CITATIONS

0

READS

9

1 author:



[Quvonch Mamiraliyev](#)

Alisher Navo'i Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature

31 PUBLICATIONS 25 CITATIONS

[SEE PROFILE](#)

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид	Хайдариддин Султонов
Муҳаммад Али	Акмал Саидов
Кенгесбой Каримов	Махмуд Тоир
Иқбол Мирзо	Гулистон Матёқубова
Қаҳрамон Қуронбоев	Шерзод Ирзоев
Минҳожиддин Мирзо	Нурбой Жабборов
Сайфиддин Рафиддинов	Кавсар Турдиева
Фармон Тошев	Шуҳрат Маткарим
Исажон Султон	Адҳамбек Алимбеков

Бош мухаррир – Сирожиддин Рауф

Бош мухаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева

Адабиётшунослик бўлими мудири – Муҳаммад Исмоил





“ЙЎЛ ОЛДИМ ЎЗИМДАН СЕНИ АХТАРИБ...”

**Қувончбек
МАМИРАЛИЕВ**

Мустақиллик йилларидан бошлаб ўзбек шеърияти қатор шаклий ва мазмуний ўзгаришларга юз тута бошлади. Мана шундай жараёнда ўзбек адабиётида, хусусан, шеъриятда янги номлар янгича услублар билан пайдо бўлди. Шундай ижодкорлардан бири истеъодли шоир Абдунаби Бойқўзиевдир. Шоир ижодидаги турли экспериментлар, шаклий изланишлар бугунги ўзбек лирикасини шаклий-мазмуний янгиланиб бораётганини кўрсатади.

Абдунаби Бойқўзиевнинг “Беш наво” деб номланган ихчам шеърий шакли тажриба асосида вужудга келган. Шоир “Беш наво”ларидан бирида шундай ёзади:

Ўз
Қалбимга
Кургум
Энди,
Тожмаҳалларни.

Ушбу шеърларда қофия, вазн йўқ, аммо ҳис-кечинма, пафос сезилиб туради. Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон Ҳиндистонда қурдирган Тожмаҳал бугун дунёning мўъжизаларидан бири. Ана шундай гўзал биноларни лирик қаҳрамон ўзга юртларга эмас, ўз қалбига қурмоқни хоҳлайди.

Эътибор берилса, “беш наво”ларда ҳар бир сўз алоҳида қаторда ёзилган. Бу билан шоир шеърдаги ҳар бир сўзга урғу беради.

Товусдай
Товлансада,
Товусчалик
Таровати
Йўқ.

Қувончбек МАМИРАЛИЕВ – 1995 йилда тугилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини тамомлаган. Унинг илмий мақолалари республика ва хориж матбуотида чоп этилган.

Мазкур шеърда шоир аллитирация санъатидан фойдаланади. Умуман, шоир кўп “беш наво”ларида ушбу шеърий санъатдан фойдаланган.

Балки бундай шеърий шакл шоир ижодида жаҳон адабиёти, хусусан, япон шеъриятидан қилган таржималари таъсирида шаклланган десак, хато бўлмас. Чунки шоир япон, рус, қорақалпоқ, уйғур шеъриятидан кўплаб таржималар қилган.

Шоирнинг “Чўли ироғим” номли шеърий китобидан бир юз қирқта “беш наво” ўрин олган. Бундан ташқари, шоир ижодида икки, уч, тўрт мисрадан иборат шеърлар ҳам мавжуд ва улар “Ирмоқчалар”, “Учавлонлар”, “Чорёрларим” деб номланган. Бу шоирнинг ижодда қисқалик, ихчамлик йўлидаги изланишлари давом этаётгандигидан далолат беради.

Абдунаби Бойқўзиевнинг шеърлари унинг кўнгил шоири эканини кўрсатади. Шоирнинг очик кўнгли олам ҳодисалари ва табиат гўзалликларидан кучли таъсиrlаниб, назмий асарларни дунёга келтиради. Шоирнинг кўнглида юрт ва миллат муаммолари, юртдошлар руҳиятидаги яхши-ёмон жиҳатлар ғоят чукур из қолдиради. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида қониқмаслик, юксакни орзу қилиш устуворлик қиласди.

*Мен,
Мен,
Дейди,
Менким...
Демайди. –*

дея баъзан ўзини ҳам тафтиш қиласди шоир. Аслида, бу дунёнинг моҳиятини тушуниш, ўзликни англаш, ўзни танишдан бошланади. Шоирнинг бутун шеърияти, балки бутун ижоди ҳам, курашларга чорловлар ифодасидан иборат. У одамдаги эрк ва ҳурлик ҳақини энг бирламчи ва юксак маънавий сифат ўлароқ улуғлади.

Умуман олганда, “беш наво”ларда, асосан, муҳаббат, садоқат, дўстлик, одамийлик, табиат, панд-насиҳат каби мавзулар қаламга олинган. Шуни таъкидлаш керакки, шоир баъзи “бешнаво”ларида шакл ортидан қувгандек кўринади ва маъно саёзлашиб қолади. Бундай шеърларни изланишлар ортидаги машқлар сифатида баҳолаш тўғрирок бўлади.

“Шарқ юлдузи” журналиниң 2023 йил 9-сонида Абдунаби Бойқўзиевнинг “Ёлғизлик, мен сени севаман чоғи” номли туркум шеърлари эълон қилинди. Тўғрисини айтиш керакки, шоирнинг ушбу шеърлари гўзал ташбеҳларга бойлиги, ифода йўсинининг ўзгачалиги билан алоҳида аҳамиятга эга. У гоҳида сўзларни зина шаклида териб бетакрор шакллар яратади ва бошқа шеърларида ўзини такрорламайди. “Сен фақат менда ун, менда кўкарғил!”, “Йиқилди меҳрнинг миноралари”, “Шиша кўзларидан милдиратиб ёш!” каби метафоралар шоирнинг бадиий маҳорати юксаклигини кўрсатади. Шеърларидан бирида шоир ёлғизликни образ даражасига кўтаради ва унга мурожаат қиласди: “Ёлғизлик, сен мени мудом йўқлайсан”.

Шоирнинг Яратганга илтижо тарзидаги шеърлари китобхонни беихтиёр тўлқинлатириб юборади. “О, Тангрим, бир қўшиқ бер” деб бошланувчи шеърида лирик қаҳрамон ўзи қўшиғида Аллоҳнинг ўзи бўлишини ва йўл Унга элтишини хоҳлайди. Қуръони Каримнинг “Шуаро” сурасида 224–227-оятларида маънони шоир тўғри англайди ва шундай ёзади:

*Ўзингдан айро сўзни
Солма ё Раб тилимга.
Ризога элтар йўлни
Нишаб айла тилимга.*

*Ўтаётган ҳар куним
Жума қил – Одина қил.
Кўнглимнинг ҳар бурчини
Макка қил, Мадина қил!*

Кўнгилдан чиққан ва кўнгилни қўйлаётган адабиёт буюк адабиётдир. Шоир ҳар кунининг гўзал бўлишини, кўнглининг ҳар бурчагида Яратганинг ўзи бўлишини истайди. Албатта, бундай қалдан фақат ва фақат ҳақ сўзлар чиқади. Бундай шеърлар шоир ижодида бирдан пайдо бўлиб қолмаган.

Унинг “Чўли иrogим” номли шеърий тўпламида “Ахийлар оҳига ошно қил” туркуми остида (“Чориёрларим”) тўртликлари бор. Ушбу шеърларда Умар Хайёмнинг нафаси, тасаввуфий оҳанглар, мумтоз адабий анъаналар яққол сезилиб туради. Работ, ахий, харобот каби мумтоз адабиётимиздаги образларни замонавий шаклларда, ҳам туюқ, фард каби жанрларда бирдай қўллайди.

Шоир Абдунаби Бойкўзининг хаёлот дунёси кенг. У қисқа мисралар орқали олам-олам маъноларга эга шеърлар бита олади. “Ҳар қандай кулгини... ковланг, Таги лак-лак алам чиқади”, дейди шоир фард жанрида ёзган бир шеърида. Ташбеҳлар, рамзлар шеърга жило, жозибагина эмас, бадиий қувват, рух ҳам ато этишини шоир тўғри англайди. Бундай рамзларга, образларга бойлик шунчаки меҳнатнинг маҳсули эмас. Бу чинакам истеъдод ва бадиий маҳоратнинг юксаклигидандир. Шоирнинг шеърлари китобхонни тушкунликка туширмайди, аксинча, унга умид бағишлиайди.

Шарқ юлдузи

2024

4-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри
тахририят ижодий жамоаси нуткай
назаридан фарқланиши мумкин.
Тахририята юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек
адабиёти” ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билиш шуғулланувчи барча
ташкilotлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
 100066, Тошкент шаҳри,
 Бунёдкор шоҳкӯча, Адиблар хиёбони,
 Ўзбекистон Ёзувчилар юшмаси
 биноси.

Телефонлар:
 71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
 e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга руҳсат этилди:
 7.06.2024
 Қоғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$
 Офсет босма усулида оғозида
 босилди. Босма табори 11,0.
 Шартли босма табори 15,4.
 Нашриёт ҳисоб табори 17,2.
 Адади 4600 нусха.
 Буюртма № 26

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
 ахборот агентлигига 05.02.2016 й.
 0562-ракам билан рўйхатга олинганд.
 “DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ
 матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
 Тошкент шаҳар Олмазор тумани
 Шифокорлар шаҳарчаси, 15 уй.
 Журнал ойда бир марта
 чоп этилади.

Муҳаррирлар:
Дилфузা Маҳмудова

Байрам АЛИ

Ислом АЛИ

Мусаҳҳих:

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ юлдузи”

МУНДАРИЖА

БАРХАЁТ СИЙМОЛАР

Турсуной СОДИҚОВА. Энг ширин ғазалим,
илк муҳаббатим.....4

НАЗМ

Абдул Жалил АСИРИЙ. Кўргин, бу оламда
қанчалар оҳанг.....14

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА. “Девони луғатит турк”
деб йигларман.....18

Нодир ЖОНУЗОҚ. Тўлқинлар товушида
жон саклаган исмим бор.....39

Дилрабо МИНГБОЕВА. Ёсин каби шеър ўқигил,
шоирим.....48

НАСР

Несьмат АРСЛОН. Файритабии ҳолат. *Новелла*8

Фарруҳ ЖАББОРОВ. Ўлим гоҳо зафар келтирап.
Киноқисса23

Гулнора РАҲМОН. Кечиккан тонг. *Роман*106

МУТОЛАА

Виктор АЛИМАСОВ. Дунёни қутқарсин гўзаллик!.....54

Қундузхон ҲУСАНБОЕВА. “Бир ишқ истадим...”.....57

ЁШЛАР ИЖОДИ

Рашид ХЎЖАМОВ. Англаганинг сари сирман, сир...73

Шахризод ШОДИЕВ. Ассалом, юраги улкан одамлар.....79

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Замира РЎЗИЕВА. Жондустим эдилар.....103

Нилуфар ДИЛМУРОДОВА. Сўз бағридаги
нажотбахш ёғду.....168

ТАҲЛИЛ

Кодиржон НОСИРОВ. Муҳаммад Юсуфнинг
“Турналар”и.....159

Кувончбек МАМИРАЛИЕВ. “Йўл олдим ўзимдан
сени ахтариб...”162

МУШОИРА

ЯҲЁХОН. Эртакдаги балиқлар анҳорда қолди.....94

Дилафўз ЧОРИЕВА. Икки дил бир
қўшиқ куйлар.95

Собир ЖАББОРОВ. Тенг суюнчи сўради мендан.....96

Абдулла ЎРОЗБОЕВ. Дам-бадам чектим
фироқинг заҳрини.....98

Муроджон ЖЎРАЕВ. Тоғлардай ғамларни
кўттарган отам...101

Умида АБДУҲАҚИМОВА. Турналар кайтадилар
тизилиб...102

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Рэй БРЭДБЕРИ. Болалар майдончаси.
Фантастик ҳикоя.....59

ТАДҚИҚОТ

Нафас ШОДМОНОВ Шайбонийнинг Навоий
газалларига жавоби.....82

Сехриё МАДАМИНОВА. Баҳор қўшиқ
айтармиш қорга.....91

BOLALAR DUNYOSI

Tojigul YO'LDOSHOVA. Bir ayb qildim bilmasdan.....165

Jamoliddin QILICHYEV. Xullas, biroz sho'x edim.....166

Muxlisa TOSHPO'LATOVA. Oy quyoshdan xafami?.....167

Адабий хаёт.174